

«Эй Уқба, энг яхши икки сурани сенга ўргатиб қўяйми?»... | Сийрат дарслари (330-дарс)



19:00 / 30.05.2025 1964

683. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Қиёмат кунига ўз кўзи билан очиқ-ойдин назар солмоқчи бўлса, «Изаш-шамсу куввирот», «Изас-самааун фаторот» ва «Изас-самааун шаққот»ларни қироат қилсин», дедилар».**

Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

684. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сенга бу кеча уларга ўхшаши менга сира нозил бўлмаган оятларни айтиб берайми? «Қул**

аъузу бироббил фалақи» ва «Қул аъузу бироббин-нааси»,
дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай келган:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг туяларини сафарда етаклаб борардим. У зот соллalloҳу алайҳи васаллам менга: **«Эй Уқба, энг яхши икки сурани сенга ўргатиб қўяйми?»** дедилар ва «Қул аъузу бироббил фалақи» ва «Қул аъузу бироббин-нааси»ни ўргатдилар». Шунда у зот бу иккиси билан унча масрур бўлмаганимни кўрдилар. Бомдод намозига тушганларида одамларга иккисини қироат қилиб, бомдодни ўқиб бердилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам намоздан фориғ бўлганларида менга қайрилиб қарадилар ва: **«Эй Уқба! Нима дейсан?»** дедилар».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Ҳузайма, Ҳоким ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда шундай дейилган:

«Бир ғазотда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг уловларини етаклаб борардим. У зот менга: **«Ҳой Уқба, айт»**, дедилар. Англамай, яна қулоқ солдим. **«Ҳой Уқба, айт»**, дедилар. Англамай, яна қулоқ солдим. У зот учинчи марта айтдилар. Шунда мен: «Нимани айтай?» дедим. **«Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни**, дедилар. Сўнг сурани қироат қилиб тугатдилар. Кейин «Қул аъузу бироббил фалақи»ни қироат қилдилар. Мен ҳам у зот билан бирга қироат қилдим. У зот тугатдилар. Сўнгра «Қул аъузу бироббин-нааси»ни қироат қилдилар. Мен ҳам у зот билан қироат қилдим. У зот тугатдилар. Кейин: **«Ҳеч ким иккисичалик нарса билан паноҳ тиламаган»**, дедилар».

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

685. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам менга ҳар намознинг кетидан «муъаввизатайни»ни ўқишимга амр қилдилар».

Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Ҳузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Муъаввизатайни» – «Фалақ» ва «Нас» суралари.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.